В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛБОЕВ АЗАМАТ ҒАНИШЕРОВИЧ

МУНТАЗАМ КЎПЁҚЛИКНИНГ БИР ЎЛЧАМЛИ СИНЧИДА ЗИДДИЯТЛИ БОШҚАРУВГА ОИД КОМБИНАТОРИК МАСАЛА

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 517.97

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛБОЕВ АЗАМАТ ҒАНИШЕРОВИЧ

МУНТАЗАМ КЎПЁҚЛИКНИНГ БИР ЎЛЧАМЛИ СИНЧИДА ЗИДДИЯТЛИ БОШҚАРУВГА ОИД КОМБИНАТОРИК МАСАЛА

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM339 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В. И. Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Азамов Абдулла** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Эшматов Фарход Хасанович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Ахмедов Одилжон Сахибжонович физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси В. И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 5 » апрель соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В. И. Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (134-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 14 » март куни тарқатилди.
(2022 йил « 14 » мартдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У. А. Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж. К. Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Р. Р. Ашуров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раис ўринбосари,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бошқарув жараёнларининг математик назарияси замонавий математиканинг муҳим ва долзарб йўналишларидан биридир. Бу назария табиат ва жамиятдаги, ҳамда техникадаги динамик жараёнларни математик моделлаштиришга асосланади. Кўплаб бошқарув жараёнларида системанинг ўзини тутишида ноаниқликнинг борлигини ёки бошқарувга зиддиятини ҳисобга олиш зарур ва уларни моделлаштириш зиддятли бошқарув масаласига келтирилади. Бу каби моделлар дифференциал ўйинлар дейилади. Иқтисодий рақобат, узлуксиз такрорланувчи ҳарбий низолар ва ўзгарувчан бозор муносабатлари қувиш ва қочиш масалалари билан таснифланади, ҳамда дифференциал ўйинлар назариясининг ўрганиш объекти бўлади.

Дифференциал ўйинлар динамиклик, бошқарувчанлик, зиддиятлилик, оптималлик, маълумотлилик каби факторларни ҳисобга олиши зарурлиги сабабли мураккаб математик тушунча ҳисобланади. Бундай факторлар дифференциал ўйинлар назариясида алоҳида ёндашувларни ишлаб чиқишни тақазо қилади. Бундай ёндашув аввало дифференциал ўйинлар назариясининг муҳим бўлими бўлган қувиш-қочиш масалаларини ечишга боғлиқ. Диссертация мавзусининг долзарблиги сунъий интеллект яратиш, тармоқдаги қидирув масалалари билан боғлиқ бўлган графларда дифференциал ўйинлар назариясини ривожлантиришдан иборат.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инновацион янгиланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган геология, биология, математика ва физикани ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Амалдаги қонун хужжатларда эҳтимоллар назарияси, математик анализ, дифференциал тенгламалар назарияси, математик физика, математик моделлаштириш, алгебра ва бошқарувнинг математик назарияси бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган[1]. Қарор ижросини таъминлашда мавжуд бошқарув системаларини алмаштириш мақсадида бошқарув жараёнларининг математик назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Дифференциал ўйин» тушунчаси дастлаб америкалик математик Р. Айзекснинг XX асрнинг 50-йиллари бошларида АҚШнинг RAND корпорацияси буюртмаси бўйича тадқиқотларида киритилган. У дифференциал ўйинларнинг аниқ масалаларини ечишда классик вариацион ҳисобни, аниқроқ айтганда Гамильтон-Якоби тенгламаси (кейинчалик, Айзекс-Беллман тенгламаси деб аталди) учун характристикалар усулини қўллаган. Р. Айзекснинг тадқиқотлари 1965 йилда «Дифференциал ўйинлар» номли монографиясида нашр этилиб, унда қисман назарий масалалар ва кўплаб мисоллар кўриб чиқилган. Шу вақтнинг ўзида Л. С. Понтрягин ва унинг шогирдлари томонидан оптимал жараёнларнинг математик назарияси яратилди. Кейинчалик, ушбу назарияни ривожлантириш асосида зиддиятли бошқарувли масалалар сифатида қарашни таклиф қилди. Бундай қараш Е. Ф. Мишенко, Р. В. Гамкрелидзе, М. И. Зеликин, Н. Ю. Сатимов, М. С. Никольский, А. А. Чикрия, А. А. Азамов, Е. С. Половинкин, А. П. Пономарев, П. К. Гусятников, Н. Л. Григоренко ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Чекли вақт оралиқларида дифференциал тенгламаларнинг умумий назарияси Н. Н. Красовский томонидан яратилиб, Ю. С. Осипов, А. Б. Куржанский, А. В. Кряжимский, А. И. Субботин, Н. Н. Субботина, Е. И. Третьяков, В. Н. Ушаков, Ю. С. Лукоянов, А. М. Тарасьев ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Н. Н. Красовскийнинг ёндашувида содда дифференциал ўйин иккита боғлиқсиз масалаларга, яъни биринчи ўйинчига нисбатан иккинчи ўйинчининг қаршилигида бошқариш ва иккинчи ўйинчига нисбатан биринчи ўйинчининг қаршилигини инобатга олгандаги бошқариш масалаларига бўлинади. Лекин бу ерда Понтрягиннинг ёндашувидан фарқли равишда иҳтиёрий табиат стратегиясига йўл қўйилади. Дифференциал ўйинлар назариясига яна бир ёндашув Дж. фон Нейманнинг ўйинлар назарияси асосида ривожланди. Бундай ёндашув кўп иштирокчилик дифференциал ўйинларни тадқиқ қилишда самарали бўлиб, Л. А. Петросян, Н. Н. Петров, А. Фридман, Т. Эллиот, Ж. Калтон ва бошқалар томонидан ўрганилди. Л. С. Понтрягиннинг ғояларини ва ўйинлар назариясининг ёндашувларини мос келтирувчи ёндашув Б. Н. Пшеничников томонидан киритилиб, А. А. Азамов, В. В. Остапенко, Г. В. Томский, А. З. Фазилов ва бошқалар томонидан такомиллаштирилди.

Оптимал бошқарув ва дифференциал ўйинлар бўйича илмий мактаб Ўзбекистонда 1970 йилларда Н. Ю. Сатимов томонидан шакллантирилди. Мазкур мактаб вакиллари томонидан қувиш-қочиш дифференциал ва дискрет ўйинлари ечишнинг янги усуллари тақдим этилди. Дифференциал ўйинларга бағишланган кўплаб ишларда қийматлари компакт тўпламда қаралиб, бошқарув функцияси ўлчовли ўйинларга қўллаш мумкин дейилган. Кўплаб амалий дифференциал ўйинларда фазавий нуқтаси берилган ёпиқ тўплам ичида қолмаслиги керак. Бундай талаб фазавий чегаралаш дейилади ва бундай чегаралаш дифференциал ўйинларни ечишни жуда мураккаблаштиради. Шунингдек, бундай ўйинларни самарали ҳал қилиш усуллари шу кунгача ишлаб чиқилмаган. Мана шу сабабларга кўра фазавий чегаралашларга эга дифференциал ўйинлар синфларини турли ҳил соддалаштирувчи фаразлар билан ўрганиш табиий. Бундай синфларга геометрик графлардаги қувиш-қочиш ўйинлари киради.

Графлардаги динамик ўйинларнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улардан биринчиси ва чуқур ўрганилгани абстракт графлардаги синфидир. Бундай ўйинларда нуқта графнинг бир учидан бошқасига сакраб ўтади. Бундай ўйинлар сирасига шахмат ва «Ним» каби стол ўйинлари киради. Аксарият ҳолатда, ихтиёрий қувиш-қочиш ўйинини кўп қадамли графлардаги ўйинлардек апкорсимация қилиш мумкин. Абстракт графлардаги ўйинлар Э. Цермело, К. Берже, Б. Куммер, Р. Дж. Новаковский, А. Квиллиат, М. Айгнер, М. Фромме, А. Бонато, П. Пралат, Б. Боллобаш, Г. Кун, Н. Е. Кларк, Б. С. Шредер ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, немис математиги Т. Андреа қувиш-қочиш масаласини бир нечта графлар учун ечиб, граф хоссалари ва қувиш масаласининг ечимлари орасида боғлиқлик ўрнатган. М. Айгер ва М. Фромме ихтиёрий планар графда қувиш масаласининг ечимга эга бўлиши учун учта қувувчи етарли эканлигини исботлаганлар. Графлардаги динамик ўйинларнинг нисбатан торроқ синфини Евклид фазосидаги графлар қирраларида ҳаракатланувчи нуқталари бўлган қувиш-қочиш ўйинлари ташкил қилади. Бундай турдаги динамик ўйинлар А. А. Азамов томонидан киритилиб, Н. А. Алмос, Г. Ибрагимов, Н. Н. Петров, Т. Ибайдуллаев ва бошқалар томонидан такомиллаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, динамик ўйинлар назариясида графлар геометрик бўлиши, яъни унинг қирралари тўғри чизиқ бўлиб, графларнинг ўзи эса Евклид фазосида бўлиши зарур. Шунинг учун, ечимга нафақат графнинг тузилиши (граф учлари ва қирралари инцидентлилиги) ва топологияси (масалан, циклларнинг мураккаблиги), балки қирралари узунлиги ҳам таъсир қилади. Ушбу диссертация ишида ихтиёрий ўлчамдаги Евклид фазосида мунтазам кўпёқликларнинг бир ўлчамли синчларидан ташкил топган графда динамик ўйинлар ўрганилган ва қувувчи нуқталар сонига боғлиқ равишда ечиш мезонлари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В. И. Романовский номидаги Математика институтининг Ф4-ФА-Ф014 «Динамик ва бошқарилувчи системалар траекто-рияларини кузатув ва бошқарув стратегияларининг синтез методларини ривожлантириш ҳамда уларнинг иссиқлик ва кимёвий жараёнларнинг математик моделларига татбиқлари» (2012-2016 йиллар) ва ОТ-Ф4-84 «Полиномиал системалар учун дискрет-сонли метод ҳамда унинг циклик ва бошқарилувчи жараёнларни моделлаштиришга татбиқлари» (2017-2020) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Евклид фазосидаги мунтазам кўпёқликларнинг қирраларидан иборат граф бўйлаб ҳаракатланувчи нуқталар – қувувчилар жамоаси ва қочувчи иштирокидаги қувиш-қочиш ўйинлари учун сифат масаласини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чекли ўлчамли евклид фазосидаги мунтазам кўпёқликнинг қирраларидан иборат графда қувиш-қочиш динамик ўйинлар назариясини ривожлантириш;

графлардаги қувиш-қочиш масаласини Дж. фон Нейман нормал формасига келтириш;

мунтазам кўпёқликнинг қирраларидан иборат графлар структурасини потенциал функция танлови асосида таснифлаш ва ишлаб чиқиш;

уч ўлчамли фазода яриммунтазам кўпёқликларнинг бир ўлчамли синчидан иборат графларда қувиш-қочиш масаласини ечиш.

Тадқиқот объекти. Мунтазам ва яриммунтазам кўпёқлик қирраларидан иборат графда қувиш-қочиш дифференциал ўйинлари назарияси учун зиддиятли бошқарувли комбинаторик масала.

Тадқиқот предмети. Қувишни якунлаш учун етарли бўлган қувувчиларнинг оптимал сонини топиш масаласи.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда дифференциал тенгламалар, бошқарув системалар назарияси, чизиқли алгебра, кўп ўлчамли геометрия, умумий ўйинлар назарияси ва графлар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

графлардаги қувиш-қочиш масаласини Дж. фон Нейман нормал формасига келтирувчи махсус стратегиялар синфи киритилган;

тўрт ўлчамли Евклид фазода мунтазам кўпёқликларнинг қирраларидан иборат графларда геометрик структурасини потенциал функция ёрдамида таснифи ишлаб чиқилган;

ихтиёрий ўлчамли Евклид фазосидаги симплекс, кокуб, ва куб қирраларидан иборат графларда, ҳамда уч ва тўрт ўлчамли евклид фазосидаги мунтазам жисмлар қирраларидан иборат графлардаги қувиш-қочиш ўйинида қувувчи нуқталарнинг оптимал сони топилган;

уч ўлчамли фазодаги мунтазам кўпёқликларнинг бир ўлчамли синчида секин қувувчилар иштирокидаги қувиш-қочиш ўйинидаги сифат масаласи ечилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси графлардаги қувиш-қочиш ўйинида ютуқни кафолатлайдиган стратегиялар қурилган. Натижаларни исботлашда таклиф қилинган усуллар бошқарув жараёнлари ва математик ўйинлар назариясидаги тадқиқотларда қўлланилади, ҳамда қидирув назарияси ва сунъий интеллект масалаларига татбиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг аниқ қўйилиши, зарур таъриф ва тасдиқлар исботи замонавий математика қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дифференциал ўйинлар назариясининг тривиал бўлмаган ечимлари топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳаракатланувчи объектни топишнинг аниқ стратегияси ишлаб чиққанлиги билан асосланади. Олинган натижалар сунъий интеллектни ривожлантиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мунтазам кўпёқликнинг бир ўлчамли синчида зиддиятли бошқарувга оид комбинаторик масала бўйича олинган натижалар асосида:

тўрт ва ундан юқори ўлчамли фазода симплекс, кокуб ва куб қирраларидан иборат графдаги қувиш-қочиш ўйинидаги ютиш стратегияларидан 01-01-17-1921ФР рақамли «Евклид метрикасига эга манифолдларда кўп қувувчили қувиш ва қочиш дифференциал ўйинлар учун янги усул» мавзусидаги хорижий грант лойиҳада қувиш-қочиш ўйинида ютиш стратегиясини қуришда фойдаланилган (Путра Малайзия университетининг 2021 йил 7 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши l_2 фазодаги қувиш-қочиш ўйинида қувувчилар учун ютиш стратегиясини қуришни ва асосий натижани исботлаш имконини берган;

уч ўлчамли Евклид фазосидаги мунтазам кўпёқликларнинг қирраларидан иборат графнинг хоссалари ва шу билан бирга мунтазам кўпёқликларнинг қирраларидаги қувиш-қочиш ўйинида ўйинчиларнинг ютиш стратегияларидан ОТ-Ф1-16 «Оптимал бошқарув масалалари ва графларда дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар назариясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада бошқариладиган объектларни бошқаришда фойдаланилган (Тошкент молия институти 2021 йил 7 сентябрьдаги № 28/2094-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши дифференциал тенгламаларнинг ечимларини графларда қуришда ва ечимларнинг чексизликда жойлашган нуқталардаги хусусиятларини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми мавзунинг долзарблигини ва унинг Республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, шунингдек, диссертация тадқиқотини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг обекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқот натижалари илмий янгилиги очиб берилган ва олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини қўллаш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Графлардаги ўйин зиддиятли вазиятларни бошқариш модели масала сифатида»** деб номланган биринчи бобида геометрик графларда қувиш-қочиш ўйинини ечишдан иборат комбинаторик масаланинг қўйилиши, асосий тушунчалари ва таърифлари берилган.

Берилган R^d Евклид фазосидаги чекли Γ – геометрик граф қирраларида ҳаракатланадиган иккита ўйин иштирокчилари: ҳаракати бошқариладиган $\mathbf{P}=\{P_1, P_2,...,P_m\}$ нуқталардан иборат қувувчи жамоа ва ҳаракати бошқариладиган Q нуқтадан иборат қочувчи иштирокидаги қувиш-қочиш ўйинини қарайлик. Нуқталарнинг траекториялари $\mathbf{P}(t)=(P_1(t),P_2(t),\ldots,P_m(t)),\ Q(t)\in\Gamma,\ t\geq 0$ (абсолют-узлуксиз функциялар) бўлсин ва нуқталарнинг максимал тезликлари $\left|dP_k(t)/dt\right|\leq\rho_k,\ k=1,2,\ldots,m,\ \left|Q(t)/dt\right|\leq\sigma$ ва улар қуйидаги шартни қаноатлантирсин $1=\sigma\geq\rho_1\geq\rho_2\geq\ldots\geq\rho_m>0$.

1-таъриф. Ҳар бир $\mathbf{P}$ ва Q нуқталарнинг ҳолатига $v,\ \left|v\right|\leq\sigma$ вектор ва мусбат δ сонни мос қўювчи Y акслантириш, қочувчининг стратегияси дейилади.

Агар $Y(\mathbf{P},Q)=(v,\delta)$ бўлса, у ҳолда (v,δ) ни $(\mathbf{P},Q)$ вазиятдаги (Q нуқта учун) V стратегиянинг кўрсатмаси деб номлаймиз.

2-таъриф. Ҳар бир $\mathbf{P}$, Q нуқталар жуфтлигига, $v,\ \left|v\right|\leq\sigma$ вектор ва мусбат δ сонга $\mathbf{U}=(u_1,u_2,\ldots,u_m),\ \left|u_k\right|\leq\rho_k,\ k=1,2,\ldots,m$ тўплам ва мусбат $\varepsilon,\ \varepsilon\leq\delta$ сонни мос қўювчи X акслантириш, қувувчининг стратегияси дейилади.

Агар $X(\mathbf{P},Q,v,\delta)=(\mathbf{U},\varepsilon)$ бўлса, у ҳолда $(\mathbf{U},\varepsilon)$ ни $(\mathbf{P},Q,v)$ вазиятдаги (P_k, $k=1,2,\ldots,m$ нуқталар учун) $\mathbf{U}$ стратегиянинг кўрсатмаси деб номлаймиз.

Жараён $\mathbf{P}_0=\mathbf{P}(0)=(P_1(0),P_2(0),\ldots,P_m(0))$, $Q_0=Q(0)\in\Gamma$ ўйинчиларнинг берилган позициясидан бошланади.

Қувиш масаласи. Қувувчи шундай $\hat{X}$ стратегиясини тузиш керакки, қочувчининг ҳар қандай Y стратегияси учун

$$\forall\mathbf{P}_0,\forall Q_0,\exists t,\exists k\ \ P_k(t,\mathbf{P}_0,Q_0,\hat{X},Y)=Q(t,\mathbf{P}_0,Q_0,\hat{X},Y)$$

бўлсин.

Қочиш масаласи. Қувувчи шундай $\hat{Y}$ стратегиясини тузиш керакки, қочувчининг ҳар қандай X стратегияси учун

$$\exists\mathbf{P}_0,\exists Q_0,\forall t,\forall k\ \ P_k(t,\mathbf{P}_0,Q_0,X,\hat{Y})\neq Q(t,\mathbf{P}_0,Q_0,X,\hat{Y}).$$

бўлсин.

Ушбу масалаларнинг ҳар бирининг ечилиши, шунингдек, уларнинг ўзаро боғлиқлиги M графга ва $1=\sigma\geq\rho_1\geq\rho_2\geq\ldots\geq\rho_m>0$ сонлар тўпламига боғлиқ. Бундай берилганлар билан геометрик графда ўйин аниқланади.

Геометрик графда, агар қувиш масаласи ҳар қандай бошланғич ҳолат учун ечилиши мумкин бўлса, ўйин қувувчи жамоанинг фойдасига ва агар қочиш масаласи камида битта бошланғич ҳолат учун ечими мавжуд бўлса, қочувчининг фойдасига ҳал бўлади.

$N(M)$ орқали биз қувувчиларнинг минимал сонини белгилаймиз, бунда $m\geq N(M)$ бўлганда ўйин қувувчи жамоа фойдасига, $m<N(M)$ бўлганда қочувчи фойдасига ҳал бўлади.

Диссертациянинг мақсади ихтиёрий ўлчамдаги Евклид фазоларида M мунтазам кўпбурчакларнинг бир ўлчовли синчларидан ташкил топган графлар учун $N(M)$ сонини топишдан иборат. Шу мақсадда уларнинг графометрияси - структурани тасвирлаш усули ишлаб чиқилди.

M_{24} 24 та $(\pm1,\pm1,\pm1,\pm1),(\pm2,0,0,0),(0,\pm2,0,0),(0,0,\pm2,0),$ $(0,0,0,\pm2)$ (барча комбинациялар) координаталар билан берилган нуқталарнинг қаварик қобиғи. Унинг ҳар бир учидан 8 тадан қирра чиқиб, бу қирраларнинг оҳирлари 3 ўлчамли куб, 96 та қирраси ва 24 та 3 ўлчамли гиперёғи мавжуд.

M_{24} учли мунтазам кўпёқлик потенциал функция ёрдамида 5 та қатламга ажралади (1-расм).



1-расм.

M_{120} мунтазам кўпёқлик қуйидаги 3 типдаги 120 та нуқталарнинг қавариқ қобиғидан ҳосил қилинади:



2-расм.

координаталари $(\pm 1, \pm 1, \pm 1, \pm 1)$ бўлган 16 та нуқта, координаталари $(\pm 2, 0, 0, 0)$, $(0, \pm 2, 0, 0)$, $(0, 0, \pm 2, 0)$, $(0, 0, 0, \pm 2)$ бўлган 8 та нуқта, (бу 24 та нуқта M_{24} учли мунтазам кўпёқликни ташкил қилади) ва яна 96 та нуқта, координаталари $(\pm\tau, \pm 1, \pm \tau^{-1}, 0)$ нинг мумкин бўлган барча жуфт ўринлаштиришлари ($\tau = \dfrac{\sqrt{5}+1}{2}$ – қиймат “олтин кесим”). Унинг ҳар бир учидан 12 тадан қирра чиқиб, бу қирраларнинг оҳирлари 3 ўлчамли икосаэдр бўлади.

M_{120} учли мунтазам кўпёқлик потенциал функция ёрдамида 9 та қатламга ажралади (2-расм).

Диссертатциянинг «R^d, $d \geq 3$ **фазодаги мунтазам симплекс, кокуб ва кубнинг бир ўлчамли синчида зиддиятли бошқарувга оид комбинаторик масалалар»** деб номланган иккинчи бобида уч турдаги мунтазам кўпёқликлар графларида – симплекс, куб ва кокуб (кўпёқлик, иккиланган куб) ихтиёрий ўлчамдаги фазоларда, барча нуқталарнинг тезлиги бир хил бўлганда ўйин қаралган. Тегишли қувиш ва қочиш масалаларини ечимини таъминлайдиган $N(M)$ сони топилади ва стратегиялар тузилади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида M – d-ўлчамли симплекс ($d \geq 3$)

$$\Sigma^d = \left\{(x_1, x_2, \ldots, x_{d+1}) \in \mathbb{R}^{d+1} : x_1 + x_2 + \ldots + x_{d+1} = 1\big/\sqrt{2},\ x_i \geq 0,\ i = 1, 2, \ldots, d+1.\right\}$$

ва кокуб

$$\mathrm{K}_*^d = \left\{(x_1, x_2, \ldots, x_d) \in \mathbb{R}^d : |x_1| + |x_2| + \ldots + |x_d| = 1\big/\sqrt{2}\right\}$$

бўлган ҳолида қувиш-қочиш масаласи кўриб чиқилди.

1-теорема. $N(\Sigma^d) = N(\mathrm{K}_*^d) = 2$.

Иккала ҳолатда ҳам, қувиш масаласини ечишда кафолатланган тутиш вақти ва қочиш масаласини ечишда хавфсиз масофа учун қуйидан баҳоланиши мавжуд.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида

$$\mathrm{K}^d = \left\{(x_1, x_2, \ldots, x_d) \in \mathbb{R}^d : 0 \leq x_i \leq 1,\ i = 1, 2, \ldots, d.\right\}$$

d-ўлчамли кубнинг қирраларида қувиш-қочиш ўйини кўриб чиқилди ($d \geq 3$).

Бу ҳолат энг қизиқарли бўлиб чиқди, чунки бу мисолда қуйидаги саволга жавоб топиган: ҳар бир $n \in \mathbb{N}$ учун $N(\Gamma) = n$ шартни қаноатлантирувчи шундай Γ геометрик граф мавжудми? Абстракт графларда ўйин учун шунга ўхшаш масала Т. Андреа томонидан ижобий ҳал қилинган.

2-теорема. $N(\mathrm{K}^d) = [d/2] + 1$.

($[a]$ – a сонининг бутун қисми.) Теореманинг исботи икки кубнинг декарт кўпайтмаси $\mathrm{K}^d \times \mathrm{K}^2 = \mathrm{K}^{d+2}$ формуласига асосланади. Унга асосланиб, $N(\mathrm{K}^d) = N(\mathrm{K}^{d-2}) + 1,\ d > 3$ рекуррент формуласи келиб чиқади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида, секин қувувчилар иштирокидаги ўйинда уч ўлчамли тетраедр Σ^3, октаэдр K^3_* ва кубда K^3 кўриб чиқилади.

Айтайлик қувувчиларнинг максимал тезлиги $\rho_k,\ k = 1,2,...,m$, қочувчиники эса σ бўлсин. Секин қувувчилар иштирокидаги ўйинда қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони $N^*(M)$ билан белгиланади. Қуйидаги натижа 1-теореманинг натижасини яхшилайди.

3-теорема. Агар $\rho_1 = \sigma = 1,\quad 0 < \rho_k < 1,\quad k = 2,3,\dots,m$ бўлса, у ҳолда $N^*(\textit{тетраэдр}) = N^*(\textit{октаэдр}) = N^*(\textit{куб}) = 2$ бўлади.

Диссертациянинг **«3 ва 4 ўлчамдаги мунтазам ва яриммунтазам кўпёқликларнинг бир ўлчамли синчида зиддиятли бошқарувга оид комбинаторик масалалар»** деб номланган учинчи бобида қолган мунтазам кўпёқликлар ва ярим мунтазам кўпёқлик қирраларида зиддиятли бошқарувли масалалар ўрганишга бағишланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида додакаэдр ва икосаэдр қирраларида «қувиш ва қочиш» масаласи қаралган. Ўйинчиларнинг максимал тезликлари тенг бўлгандаги ўйинда қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони $N(M)$ аниқланган. Параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремада келтирилган.

4-теорема. $N(\textit{додекаэдр}) = N(\textit{икосаэдр}) = 3$.

Бир қувувчининг максимал тезлиги қочувчининг тезлигига тенг, бошқа қувувчиларнинг тезлиги эса қочувчининг тезлигидан кам бўлгандаги ўйинда қувувчиларнинг минимал сони $N(M)$ топилган.

Бу ерда 3-теореманинг аналоги мавжуд.

5-теорема. $N^*(\textit{додекаэдр}) = N^*(\textit{икосаэдр}) = 3$.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида тўрт ўлчамли фазодаги 24 учли M_{24} ва 120 учли M_{120} мунтазам кўпёқликлар қирраларида «қувиш-қочиш» ўйинлари қаралган. Ўйин иштирокчилари стратегиясини баён қилиш учун ўйин жараёнини ифодалаш қулай бўлиши мақсадида M_{24} ва M_{120} мунтазам кўпёқликлар потенциал функция ёрдамида бир нечта қатламларга ажратилган. Ҳар бир кўпёқлик учун ўйинчиларнинг максимал тезликлари тенг бўлгандаги ўйинда қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони $N(M_{24})$, $N(M_{120})$ аниқланган.

6-теорема. $N(M_{24}) = N(M_{120}) = 3$.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида уч ўлчамли Евклид фазосидаги Архимед жисмлари ёки яриммунтазам кўпёқликларнинг қирраларида «қувиш-қочиш» ўйини қаралган: кесик тетраэдр $T_{3,3}$, кубооктаэдр $R_{4,3}$, кесик куб $T_{4,3}$, кесик октаэдр $T_{3,4}$, ромбокубооктаэдр $RR_{4,3}$, яссиқиррали куб $SR_{4,3}$, икосододекаэдр $R_{5,3}$. Архимед жисмларининг қирраларидан иборат графни M деб белгилайлик.

Барча ўйинчиларнинг максимал тезликлари 1 га тенг бўлганда қувиш-қочиш масаласи қаралган.

Уч ўлчамли фазодаги яриммунтазам кўпёқликлардан еттитасининг ҳар бирида қувиш-қочиш ўйини ечилган ва қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони $N(M)$ топилган.

7-теорема. $M \in \{T_{3,3}, T_{4,3}\}$ учун, $N(M) = 2$.

8-теорема. $M \in \{R_{4,3}, T_{3,4}, RR_{4,3}, SR_{4,3}, R_{5,3}\}$ учун, $N(M) = 3$.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация иши мунтазам кўпбурчакларнинг бир ўлчовли синчларидан ташкил топган графларда қувиш-қочиш масаласига оид комбинаторик масалаларни ўрганишга бағишланган. Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Уч ўлчамли Евклид фазосидаги мунтазам кўпёқликнинг қирраларида зиддиятли бошқарув комбинаторик масаласи ечилди ва ютиш стратегиялари кўрсатилди.
2. Тўрт ва ундан юқори ўлчамли Евклид фазоларнинг барчасида мавжуд бўлган мунтазам симплекс, кокуб ва куб қирраларида қувиш-қочиш масаласи ечилди ва қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони топилди.
3. Тўрт ўлчамли фазодаги 24 ва 120 учлик мунтазам кўпёқликларнинг графометрик хоссалари ёрдамида уларнинг қирраларидан иборат графи тасвирланди.
4. Тўрт ўлчамли фазодаги 24 ва 120 учлик мунтазам кўпёқлик қирраларидан иборат графда қувиш-қочиш ўйинида қочувчини тутадиган қувувчиларнинг энг кам сони топилди ва ютиш стратегияси ишлаб чиқилди.
5. Уч ўлчамли Евклид фазосидаги яриммунтазам кўпёқликларнинг 7 таси учун зиддиятли бошқарув комбинаторик масаласи ҳал қилинди.
6. Қувиш масаласида ўйин ихтиёрий вазиятда бошланганда қочувчининг ихтиёрий стратегияси учун қувувчи чекли вақтда қочувчини тутадиган стратегия кўрсатилди.
7. Қочиш масаласида эса, ўйин бирор вазиятда бошланганда қувувчининг ихтиёрий стратегияси учун қочувчи чексиз вақт давомида қувувчига тутилмай ҳаракатланадиган стратегия кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В. И. РОМАНОВСКОГО**

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

ХОЛБОЕВ АЗАМАТ ГАНИШЕРОВИЧ

КОМБИНАТОРНАЯ ЗАДАЧА КОНФЛИКТНОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ОДНОМЕРНЫХ ОСТОВАХ ПРАВИЛЬНЫХ МНОГОГРАННИКОВ

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/FM339.

Диссертация выполнена в Институте Математики имени В. И. Романовкого.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу http://www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Азамов Абдулла** доктор физико-математических наук, академик
Официальные оппоненты:	**Эшматов Фарход Хасанович** доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник
	Ахмедов Одилжон Сахибжонович кандидат физико-математических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	**Самарканский государственный университет**

Защита диссертации состоится « 5 » апреля 2022 года в 16:00 на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В. И. Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В. И. Романовского (зарегистрирована за № 134). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан « 14 » марта 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 14 » марта 2022 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI V.I.ROMANOVSKIY NOMIDAGI MATEMATIKA INSTITUTI

У. А. Розиков
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж. К. Адашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Р. Р. Ашуров
Заместитель председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Математическая теория управляемых процессов является одним из важных и актуальных направлений современной математики. Она базируется на математических моделях разнообразных динамических процессов в природе, технике и обществе. Во многих при случаях изучении управляемых процессов необходимо учитывать наличие неопределенности в будущем поведении объекта или противодействие к управлению. Моделирование таких факторов приводит к задаче управления в конфликтных ситуациях. Соответствующие математические модели принято называть дифференциальными играми. Экономическая конкуренция, непрерывно повторяющиеся военные конфликты и рыночные отношения описываются являются объектами и решаются методами теории дифференциальных игр.

Дифференциальная игра относится к сложным математическим понятием ввиду того, что необходимо принять во внимание такие факторы, как динамичность, управляемость, противодействие, информированность, оптимальность. Эти факторы обусловливают разработку особых подходов к теории дифференциальных игр. Это обстоятельство в первую очередь относится к решению задач преследования и убегания – важного раздела теории дифференциальных игр. Актуальность темы диссертации заключается в развитии теории дифференциальных игр на графах, тесно связанных с задачей поиска в сетях и разработкой искусственного интеллекта.

В нашей стране в последние годы уделяется большое внимание развитию таких отраслей науки как геология, биология, математика и физика, имеющих важное значение в инновационном обновлении страны. В директивных документах отмечено, что особое значение имеет развитие научных исследований по теории вероятностей, математическому анализу, теории дифференциальных уравнений, математической физике, математическому моделированию, алгебре и математической теории управления[2]. В обеспечении решения поставленных задач важную роль играет развитие математической теории управляемых процессов с целью оптимизации реальных управляемых систем.

Исследования данной диссертации в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях №ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В. И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» и №ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по

---

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года № 292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», и в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития наук и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

